

# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2006 йил 17 март, № 52 (3851)

Жума



Ҳадемай юртимиз далаларида чигит экиш мавсумига оммавий равишда киришилади. Шу боис ҳозир қай бир гўшага борманг, ана шу муҳим тадбирга қизгин тайёргарлик кўрилаётганига гувоҳ бўласиз. Мутахассислар машина-механизмларни сўнгги бор назорат қилиб, кўздан кечиришаётган бўлса, деҳқонларимиз уруғлик экиладиган майдонларни деярли шай ҳолатга келтириб қўйишди. Маълумотларга қараганда, жорий йилда республикаимиз бўйича жами 1391,4 минг гектар ерга уруғлик чигит қадалади. Ўзбекистон Фермер хўжалиқлари уюшмасидан билдиришларича, бу йил етиштирилаётган жами пахта ҳосилининг қарийб 75 фоизидан ошиғи фермер хўжалиқлари улушига тўғри келиши кўтилмоқда.

## ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА...


Маълумки, қишлоқ хўжалигида агротехника тадбирларини тез ва сифатли амалга оширишда техника воситаларининг созлиги муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг бундай маҳсулотларига бўлган эҳтиёж доимо катта. Мисол учун, Тошкентдаги "Ўзбекқишлоқмаш" очик

турдаги акциядорлик жамиятида тайёрланаётган турли русумдаги чигит ҳамда дон экишга мўлжалланган севялқалар, ўғит сепадиган механизмлар шартнома асосида вилоятларга жўнатилмоқда. Ҳозирга қадар ушбу корхона томонидан буюртмадаги 13 та "СМХ-4-03-01", 200 га яқин "СЧ-4Б" севялқалари ва бошқа кўплаб турдаги механизмлар, жами 374274 минг сўмлик техникалар ўз эгаларига етказиб берилди. Шу кунларда ҳам жамиятда иш қизгин.

Корхона бошқаруви раисининг ўринбосари Тўра Музабоннинг айтишича, бу ерда 385 нафар ходимнинг меҳнат қилиши учун ҳар томонлама қулай шароит яратиб берилгани учун, иш унуми ҳам юқори бўлмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** корхона фаолиятдан лавҳалар; йигув цехи ишчиси Раҳмон Рўзиев.

Шавкат Ортиқов,  
Темура Қурбонбоев (сурат),  
"Халқ сўзи" мухбирлари.



Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Давлат думасининг МДХ ишлари бўйича қўмитаси раиси А.Кокосин раҳбарлигидаги делегация 16 март кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бўлди.

## ПАРЛАМЕНТДА УЧРАШУВ

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида имзоланган ҳужжатлар бу борда муҳим омили бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Айниқса, ушбу йилнинг ноябрь ойида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш учун мустақам асос бўлди.

А.Кокосин ташрифи доирасида Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларида бўлгани, водийдаги учрашувлар чоғида ушбу вилоятлар билан Россия субъектлари ўртасида савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги, санаят каби қатор соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш борасида самарали мулоқотлар олиб борилгани таъкидланди. Қайд этиш жоизки, сўнгги пайтларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги парламентларо алоқалар тобора фаоллашмоқда. Жорий йил февраль ойида Россия Федерацияси Федерал думаси раиси Б.Гризов раҳбарлигидаги делегация республикаимизга ташриф буюрган эди. Бу мамлакатларимиз қонун чиқарувчи органлар йўналишида ҳам ҳамкорликни янада юксалтириш йўлидан бораётганидан далолатдир.

Қонунчилик палатасидаги учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги парламентларо муносабатларнинг бугунги аҳоли ва иқтисодий ҳаётдаги аҳамияти янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тупроқ унумдорлиги — умуммиллий масала

Кеча «Тупроқ унумдорлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан тузилган ишчи гуруҳининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг бошқармалари, Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, ЎзФА Микробиология, Тупроқшунослик ва агрохимия, Пахтачилик, Сабзавотчилик илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Миллий, Тошкент Давлат аграр университетлари, Республика агрохимия станцияси ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этган мазкур йиғилишда мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги нутқида белгиланган берилган вазифаларни амалга ошириш ва қонун лойиҳаси концепциясини такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилишда тупроқ унумдорлиги пасайиб кетишининг олдини олиш, унинг унумдорлигини тиклаш ва оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигига ургу берилди. Сўзга чиққанлар ушбу йўналишда амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари ва қонун лойиҳасини такомиллаштиришда алоҳида эътибор қаратиладиган йўналишларга тўхталиб ўтдилар. Шунингдек, ишчи гуруҳи томонидан келгусида амалга оширилаётган вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Ўз мухбиримиз.

## Ғолиблар аниқланди

"Халқ сўзи" мухбири Зиёда АШУРОВА —  
«Бахтимиз қомуси» танловининг биринчи соврини соҳибаси

Аёлларнинг жамият ҳаётида тугган ўрни ва нуфузини ошириш, юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида нофузли ҳакамлар ҳай'атининг қарори билан ғолиблар эълон қилинди. Шуниси қувончлики, ҳамкасбимиз — "Халқ сўзи" газетасининг ижтимоий-сиёсий бўлими мухбири Зиёда Ашурова танловнинг "Энг яхши мақола" номинацияси бўйича биринчи мукофотини қўлга киритди.

"Энг яхши фоторепортаж" номинацияси бўйича ғолиблар Уза Мухбири

Мухаммад Аминга насиб этди. Фарғона вилояти телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Салимаҳон Рустамова "Энг яхши радиозастириш", Андижон вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири Матлуба Юсупова "Энг яхши телекўрсатув" номинациялари бўйича ғолиб деб топилдилар. Уларга ташкилотчиларнинг дипломлари ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, йигирмадан зиёд ижодкорлар иккинчи, учинчи ўринлар соҳиблари сифатида тақдирландилар.

М. ХОЛМАТОВА,  
"Халқ сўзи" мухбири.

Китобсиз юксак маънавиятга эришиб бўлмайди. Юксак билим, замонавий дунёқарашга эга бўлган кишигина чинакам қомил инсон, етук мутахассис бўла олади. Шунинг учун бўлса керак, халқимиз ижодкор аҳлини, ноширларни эъозлайди, уларнинг меҳнатини қадрлайди.

## Китобга ошна, илмга ташна

Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи республикаимиз бўйлаб "Улуғимсан, Ватаним!" шiori остида маънавият кунларини ўтказмоқда. Ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академиясида бўлиб ўтди.

Анжуманда дастлаб академия тингловчилари нашриёт-матбаа ижодий уйда кейинги йилларда нашр қилинган Президентимиз асарлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинган қонунлар ҳамда бошқа ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий асарлар кўргазмаси билан танишдилар. Нашриёт ходимлари билан учрашиб, китобларни тайёрлаш жараёни, уларнинг келажақдаги режалари хусусида қизгин суҳбат

лашдилар. Муаллифлардан ўзлари ардоқлаган китобларга дастхатлар ёздирдилар. Нашриётда чоп этилаётган "Соғлом авлод", "Зеркало XXI", "Китоб дунёси", "Тонг юдузи", "Клас", "Гулхан", "Фунча" сингари газета ва журналларнинг бош муҳаррирлари тингловчиларга ўз наشرларини тақдим этиб, маънавиятими гултожи бўлган матбуотнинг ўрни ва роли ҳақида фикр юритдилар.

Тингловчилар ҳузурда Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон ҳамда шоира Умидда Абдуазимоваларнинг чиқишлари, айниқса, даврага фойз бағишлади. Улар Ватани улуғловчи, баҳор ва Наврўзни шарафловчи

ижод намуналаридан ўқиб, ёшларга ўз дил изохорларини билдирдилар. "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи директори Зоир Исажонов Солиқ академиясига нашриётда чоп этилган китоблардан бил туркумини тақдим этди. Шунингдек, аъло баҳорларда ўқийтган тингловчиларга ҳам эсдалик китоблари топширилди.

Мазкур тадбир ҳақида академия ректори, профессор Тоҳир Маликов ўз фикрларини билдириб, бундай учрашувлар ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда айна мудоа эканлигини таъкидлади.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,  
"Халқ сўзи" мухбири.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик кенгаши йиғилиши тўғрисида АХБОРОТ

16 март кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни мамлакат Президенти, Миллий хавфсизлик кенгаши Раиси Ислам Каримов бошқарди.

Йиғилишда Марказий Осиё минтақаси ва унинг атрофидаги вазият тўғрисида фикр алмашилди, мамлакат хавфсизлигига, жумладан, ахборот соҳасидаги замонавий таҳдид ва хавфларга қарши курашга оид чора-тадбирлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиши билан боғлиқ долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда давлат идораларининг мамлакатимизда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашга доир вазифалари белгиланди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди ва республиканинг тегишли вазирлик ва идораларига аниқ топшириқлар берилди.

(ЎзА).

## ҚОЗОҒИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ЎЗБЕКISTONGA TASHRIFIGA DOIR

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг тақлифига биноан, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаев 2006 йил 19-20 март кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф асносида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларини янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни ва икки томонлама муносабатларнинг бошқа соҳаларидаги алоқаларни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар. Шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

## АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК

«Алоҳида таъкидлашни истар эдикми, Қозоғистон муваффақиятлари — бу бизнинг муваффақиятларимиз, унинг муаммолари — бизнинг муаммоларимиздир. Биз ҳаммиса елкама-елка яшаб келганимиз» — Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримовнинг шу йил январь ойида бўлиб ўтган Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбаевнинг инаугурация маросимида айтган ушбу сўзлари ўзбек — қозоқ муносабатларида берилган қисқа, бироқ аниқ ва муносиб баҳодир.

Қозоғистон Ўзбекистон учун шунчаки қўшни давлат эмас. Мамлакатларимиз халқлари кўп асрлар давомида дўстона яшаб келишган, азал-азалдан узаро савдо-сотиқ, қон-қардошлик алоқалари мавжуд, ўз чекларига тушган қувонч ва ташвишларини бирга баҳам қўришган.

Қозоғистон — бугунги кунда собиқ шўролар маконидаги ўлиш даври қўйинчиликларини муваффақият билан бартараф этган, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда тараққиётга эришган мамлакатдир.

Қозоғистон ўз ташқи сиёсатида устувор йўналишлар сифатида, айниқса, минтақавий даражадаги ҳамкорлик ва интеграциялашувга интилиш йўлини таллади. Айнан Ўзбекистон ва Қозоғистон этник-чиқариларини очиклиги, этно-лик йўлидаги интилувчанлиги ҳамда амалиётчилиги боис Марказий Осиёда самарали интеграция лойиҳалари ташаббуслари кўтарилди ва улар муваффақият билан амалга оширилмоқда. Масалан, 2002 йил февралда Остонада Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига эъзо давлатлар уюшмани «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига айлантириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Минтақамизда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш бўйича Ўзбекистон ташаббуси Қозоғистонда ўзининг акс-садоси ва тасдиқини топмоқда.

Мамлакатларимиз Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва ШХТ сингари халқаро ташкилотлар доирасида ҳам яқин ҳамкорлик қилаётди. Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилиш қарорини Қозоғистон биринчилардан бўлиб таъриқлади ҳамда мамлакатимизнинг ушбу ташкилот доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларга тезроқ киришиб кетишига кўмаклашишга ҳозирлигини изҳор этди. Қозоғистон Президенти «Ўзбекистоннинг ҳамжамиятга кириши мўҳим воқеа бўлиб, бу улкан бозорни барпо этишга катта имконият беради, Президентларнинг хоҳиш-иродаси,

ҳуқуматларнинг саъй-ҳаракати билан биз жаҳон саҳнида жуда нуфузли бирлашма барпо этиш имконига эгамиз», дея баёнот бергани тасдиқий ҳол эмас.

Мамлакатларимизнинг мустақиллигини қўлга киритгани, айниқса, икки томонлама муносабатларда янги саҳифа очди. Бу давр давомида узаро тўғри тушуниш, тенг ҳуқуқлилик ва очиклик асосидаги жадвал ривожланаётган яқин қўшничилик муносабатлари ўрнатилди.

Икки мамлакат муносабатларини муваффақлаштирувчи асосий ҳужжат — 1998 йилнинг 31 октябрда имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги шартномадир. У ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштиришнинг мустаҳкам асосига айланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ва Қозоғистон минтақادا биринчи бўлиб чегара билан боғлиқ барча масалаларни ҳал қилганини айтиб ўтиш зарур. 2002 йил сентябрда имзоланган делимитация тўғрисидаги шартнома чегаралар билан боғлиқ барча масалаларга нукта қўйди.

Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳоли ҳам қишга ишонч руҳини бағишлайди. Зеро, у нафакат икки томонлама ҳамкорлик муваффақиятли тараққиётининг, балки Марказий Осиёдаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг ҳам гаровидир.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг 1994 йили «Агар қозоқлар билан ўзбеклар бирга бўлишса, тарихимиз, тақдир ва келажагимизни ёдда тутган ҳолда, узаро ҳамкорлик ва ҳамжамиятликка яшаса, бу дўстликни энга оладиган куч ҳақонда топилмайди. Бу ҳақиқатни ҳеч ким ёддан чиқармаслиги керак: Ўзбекистон тақдирини, қозоқ халқининг келажагини — бу ўзбек халқининг келажағидир» деб айтган сўзлари бугун ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳон АА.





Хукуматимиз томонидан иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсишига эришиш, қатъий пул сисбатини ўтказиш, инфляция даражасини кескин қисқартириш ҳамда миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш борасида амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шу билан бирга, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш, шу асосда банкларнинг ресурс базасини ошириш ва иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳамда молиялаш орқали товар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга ошири-

лапти. Бу кўзда тутилган натижани бераётир. Акциядорлик тижорат "Тадбиркорбанк"и фаолияти бунга мисол бўла олади.

«Тадбиркорбанк»:

# МИЖОЗ МАНФРААТИ ҲАМИША УСТУВОР

2006 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк омонатларига 6535,0 млн. сўм миқдорига аҳоли бўш пул маблағлари жалб қилинди. Унинг 2972,0 млн. сўми мuddатли омонатлардир. Банк ресурс базасини ошириш борасида олиб борилган изчил фаолият натижасида эса мазкур молия муассасаси сармояси жорий йил бошига келиб, 7272,4 млн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1389,5 млн. сўм кўпдир. Айни чоғда банк активлари ҳам 6780,9 млн. сўмга кўпайиб, 55558,8 млн. сўмга етди.

Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш юзасидан бирталай ишлар амалга оширилди. Зеро, тадбиркорликни ривожлантириш жамият фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили, иқтисодиётни юксалтиришнинг зарур шартидир. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, хусусан, уларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш ҳам банкнинг доимий диққат марказида турибди. Мисол учун, 2005 йил давомида иқтисодиётнинг турли соҳаларига 12106,2 млн. сўмлик кредитлар аж-

ратилди. Шундан 2808,6 млн. сўми ишлаб чиқаришга, 4354,5 млн. сўми қишлоқ хўжалигига, 779,0 млн. сўми қурилиш ва хизмат кўрсатиш соҳасига, 2467,6 млн. сўми айланма маблағларни тўлдиришга ва 1696,5 млн. сўми бошқа тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон

Ислохот ва самара

Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги 57-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар савдосини ривожлантириш учун банк ўз миқдорларига 1335,1 млн. сўм миқдорига истеъмол кредитлари ҳам ажратди.

— Аҳоли билан яқиндан ҳамкорлик қилинаётганлиги, уларга турли қулайликлар яратилаётганлиги, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг жалб этилаётганлиги банк ресурсларининг ошишида муҳим омили бўлмоқда, — дейди АТ "Тадбиркорбанк"нинг иқтисодий таҳлил, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш департаменти директори Бахтиёр Бобононов. — Ушбу вазифалар қўламини янада кенгайтириш, хусусан, аҳолининг барча қатламларини хизмат турлари би-

лан қамраб олиш учун жойларда жамғарма кассалари ва мини банклар ташкил этилмоқда. Жумладан, ҳозирда республикаимизнинг турли ҳудудларига 155 та мини банкимиз 10323 миқдорга турли банк хизматларини кўрсатаёпти. Айни шу мини банклар томонидан биргина ўтган йилнинг ўзида ишлаб чи-

қариш субъектларига 15,0 млрд. сўмдан зиёд кредитлар берилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бундан ташқари, фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк ўз маблағлари ҳисобидан қишлоқ хўжалик техникаларини фермерларга лизинг асосида етказиб беришни ҳам йўлга қўйди. Аниқроғи, ҳозиргача банк томонидан 2,8 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалик техникалари молиявий лизинг асосида фермер хўжаликларига берилди. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ижросини таъминлаш борасида Молия вазирлиги қошида ташкил этилган жамғарма маблағлари ҳисобидан давлат эҳтиёжлари учун пахта ва галла етиштирувчи фермер хўжаликларига бултур 49269,9 млн. сўмлик имтиёзли кредитлар ажра-

тилган эди. Бугунга келиб эса, жалб этилган барча ресурслар банк ҳисобига тўлиқ қайтарилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 30 июндаги 250-сонли қарори ва Марказий банк бошқаруvinинг 2002 йил 21 февралдаги 505-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида АТ "Тадбиркорбанк"и томонидан, шунингдек, юридик шахсларга миллий валютани конвертация қилиш ҳамда валюта шохобчалари орқали пул маблағларини айирбошлаш ишлари ҳам изчил олиб борилмоқда. Жумладан, ўтган йили банк ўз миқдорларига 1635, 4 минг АҚШ долларини конвертация қилишда амалий ёрдам кўрсатди. Муҳими, бу маблағлар бутловчи қисмлар, хомашё ва материаллар, халқ истеъмоли учун зарур товарлар ҳамда дори-дармонларни сотиб олишга сарфланди. Банкнинг валюта айирбошлаш шохобчалари сони эса ўтган йилнинг охирига келиб, 84 тани ташкил этди. Техник хизматлар билан тўлиқ таъминланган ушбу шохобчалар орқали 2005 йил давомида 6,2 млн. АҚШ доллари харид қилиниб, 11,7 млн. доллар миқдорига валюта сотилди.

Банк томонидан хорижий кредит линияларидан ҳам унумли фойдаланилмоқда. Хусусан, Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банкининг қисқа ва узок мuddатли кредит линиялари қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Айни шу дастурга мувофиқ, юртимизда маиший ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш, табиатга салбий таъсирини камайтириш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда. Шу ишлар давоми ўлароқ ташкил этилган тадбирда мактаб ўқувчилари табиатнинг мусаффолигини таранум этувчи асарлари билан "Таъсирчан тасвир", "Ижодкорлик", "Фантазия", "Энг ёш ижодкор" йўналишлари бўйича иштирок этишди. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар берилди.

Бир сўз билан айтганда, АТ "Тадбиркорбанк"ида миқдорларга хизмат кўрсатиш борасида муайян тажриба тўпланган. Бу юртдошларимизнинг яшиллаш шароитини яхшилаш билан бир қаторда мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига ҳам хизмат қилмоқда.

Сандолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" муҳбири.

HYUNDAI

DONGNAMUZ-MOTORS  
OFFICIAL DISTRIBUTOR OF  
HYUNDAI MOTOR COMPANY

**Sonata NF**

Elantra Coupe  
Santa Fe Tucson  
Terracan Matrix  
H-1 Starex  
Grandeur XG

Address: 8, Afrosiab str., Tashkent.  
Tel.: (998-71) 152-26-07(08), Fax: (998-71) 152-17-25  
E-mail: hdnuz@yahoo.com www.uzbekistan.hyundai-motor.com

Пойтахтимиздаги "Гранд мир" меҳмонхонасида "Энг яхши расм ва унинг энг яхши изоҳи" номли кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

**Табиат мусаффолиги йўлида**

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида "Чиқиндиларни бошқариш" лойиҳаси бир неча йиллардан бери амалга оширилмоқда. Айни шу дастурга мувофиқ, юртимизда маиший ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаш, табиатга салбий таъсирини камайтириш борасида кўпгина ишлар қилинмоқда. Шу ишлар давоми ўлароқ ташкил этилган тадбирда мактаб ўқувчилари табиатнинг мусаффолигини таранум этувчи асарлари билан "Таъсирчан тасвир", "Ижодкорлик", "Фантазия", "Энг ёш ижодкор" йўналишлари бўйича иштирок этишди. Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар берилди.

**КАЧЕСТВЕННЫЙ ПРОМЫШЛЕННЫЙ ГИДРАВЛИЧЕСКИЙ ИНСТРУМЕНТ**

Москва, ЗАО "СТС-Холдинг"

**ПОД ЗАКАЗ**

- Домкраты (5-500 тонн)
- Гайковерты
- Насосные станции
- Съемники
- Нестандартное гидравлическое оборудование

СТС Холдинг

Подобности: г. Москва, ЗАО "СТС-Холдинг", т./факс 7 (495) 5404838, www.sts-holding.com г. Ташкент, ООО "Автостандарт", т./факс (99871) 1523358, rama110@rambler.ru

**Корея маданияти кунлари**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида Корея маданияти кунлари муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Унда корейс гуруҳлари талабалари ўртасида қизиқарли викторина ўтказилди. Нотиклик танлови ғолиби бўлган Гавхар Темирова республика босқичига йўлланма олди. Шунингдек, ярим йиллик давомида энг яхши натижа кўрсатган талабаларга махсус стипендиялар топширилди. Ўзбек талабаларининг корейс тилида ихро этган саҳна кўринишлари эса тадбирга янада кўтаринкилик бахш этди.

Ноила УМАРОВА.

«ГРАНА» Алтай - Россия

**УН барча навлари**

**ЁРМАЛАР**

Энди Ўзбекистонда ҳам

Ун о/н 50кг, Ун 1нав Ёрмалари

«ГРАНА» - бу экологик тоза маҳсулот сифат кафолати ва Россия багрикенлиги

УЛГУРЖИ САВДО

Ташкент ш. Архитекторлар кўчи, 17. Тел./факс 148-04-01 тел.103-04-39, 343-62-38. E-mail: grana-altay@bk.ru

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

**«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНИҒИЗ КАЛИТИДИР!**

# «ОХАНГАРОНЦЕМЕНТ» ОХЖ

Ўз акциядорлари, миқдорлари ва барча юртдошларимизни

## Наврўз айёми

Билан чин қилган мувоҳабат эътибори!

Баҳор ва янгилашни байрами ҳар бир оилага бахт-саодат ва қувонч олиб келсин!

Барчага мустаҳкам соғлиқ, фаровон ҳаёт, оилавий бахт, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги вунёдкорлик ишларида улкан зафарлар тилайди!

WWW.AHANGARANCEMENT.COM

**Спорт**



**Чемпионлар тарбияланаётган маскан**

Улуғор туманида фойдаланишга топширилган болалар спорт мажмуаси ёшларнинг сезимли масканига айланиб қолди. Айни пайтда бу ерда 204 нафар бола спортнинг етти тури бўйича машгулотларда қатнашмоқда. Юнон-рум кураши тўғрисида мушуллаётган ёшлар тумани ва вилоят биринчиликларида муносиб иштирок этишмоқда. Тугарак раҳбари, спорт устаси Зокиржон Тўхтаматов яқин йиллари шогирдлари орасида нуфузли турнирларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган полковлар этишиб чиқишига ишонади.

**СУРАТДА:** спорт мажмуасида машгулот пайти. Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ олган сурат.

**Шоҳсупада навоийликлар**

Тошкентда қилчбозлик бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон очик биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Навоий вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди. Қозоғистон жамоасига иккинчи, Фарғона вилояти қилчбозларига учинчи ўрин насиб этди.

**МАҲДАда учинчи, Осиёда саккизинчи...**

FIFA март ойи учун терма жамоаларнинг рейтинг жадвалини эълон қилди. Валерий Непомнящий бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари ўзининг аввалги ўрнини сақлаб қолди. Жадвалда жамоамиз 61-ўринни эгаллаб турибди. Осиёда эса Япония, Эрон, Корея, Саудия Арабистони, Австралия, Баҳрайн ва Ироқдан сўнг саккизинчи ўридан жой олди. Ҳамдустлик давлатлари ўртасида Россия ва Украина жамоаларидан сўнг учинчи ўринда қайд этилган. FIFA рейтингига кучли учлики Бразилия, Чехия ва Голландия мамлакатлари жамоалари банд этилган.

**FIFA президенти билан учрашув**

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида FIFA президенти Зепп Блаттер, Осиё футбол конфедерацияси президенти Мухаммад Бен Хаммам ва Ўзбекистон футбол федерацияси раҳбарлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди, деб хабар беради УФФ ахборот-таҳлил бўлими. Учрашувда минтақамизда миллионлар ўйинини ривожлантириш ва узаро ҳамкорликни кучайтириш масалалари муҳокама қилинди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,** "Халқ сўзи" муҳбири.

Яқинда Россия телевидениеси кўрсатувларидан бирида мосқалик таниқли санъатшунос В.Носина ёш талант ва унинг тарбияси мавзусидаги саволга жавоб бераётиб, жумладан, шундай деди: «Энг сўнги, энг янги мисол. Куни кеча Эстониядан учиб келдим. У ерда ёш пианиночиларнинг халқаро Ф.Шопен танловига ҳайъат азъоси сифатида тақлиф этилгандим. Уша ерда, нуфузли халқаро танловда ўзбекистонлик Нодира исми ўн ёшли бир қизалоқ ноёб қобилияти, ижрочилиги билан биз, баҳоловчиларнигина эмас, балки бутун Таллинни мафтун этди, ҳайратлантирди. Мана, сизга талант тарбиясининг, унга бўлган эътиборнинг самараси!»

**СЕН ҲАМИША НАЗАРДАСАН, БОЛАЖОН!**

Ҳа, бизнинг мустақил юртимиз — ана шундай истеъдодларвар, ёшларпарвар мамлакат. Бундай гамхўрлик Хуррият даврининг ilk йилларидаёқ баралла намойён бўлган эди. Президентимизнинг «Иқтидорли болалар, ёшлар — бизнинг бойлигимиз, ҳукумат уларни ҳаммаша қўллаб-қувватлайди» деган қанотбахш сўзлари худди шу даврда айтилганди. Шунинг учун республикамизда фаолият кўрсатаётган болалар мусиқа ва санъат мактаблари янада кўпайтирилди. Ҳар бир вилоятда эҳтиёж даражасида шундай масканларнинг туркуми бўлиши шарт қилиб қўйилди. Ҳозирги кунга келиб, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида 306 та мусиқа ва санъат мактаби, бошланғич мактаби ҳам бор, 3 та махсус академик лицей болажонларимизга хизмат қилмоқда. Уларда 41 мингдан зиёд иқтидорли ўқувчилар таълим оляпти.

Бўлажак ижодкорларга ilk мусиқа ва санъат сирларини ўргатаётган ўқитувчиларнинг, мураббийлар-

нинг аксарияти олий маълумотли, таҳрибали мутахассислардир. Кейинги тўрт йил давомида Тамара Поповичнинг 5, Дилором Омонуллаеванинг 4 нафар шогирди қатор халқаро фестивал ва танловларнинг голиблари ҳамда совриндорлари сифатида эътироф этилди.

Кувонарли томони шундаки, мактаблар ва академик лицейларнинг жамоалари ҳукуматимизнинг иқтидорли болаларга бўлган эътиборини юксак қадрлашадди. Энг муҳими, улар ана шу гамхўрликка муносиб, қолаверса, юртимизда амалга оширилатган маданий-маърифий ислохотларга ҳамоҳанг фаолият кўрсатишни ўзлари учун бурч деб билишади. Худди шу нарса, яъни ишга онгли ёндашув умумий муваффақиятларда ҳал қилувчи аҳамият касб этапти.

Болалар фақат саз чалишни ёки қўйлашни биладиган ижрочиларгина бўлиб шаклланмаётганлар. Уларни маънан ҳам барқамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга

эришилаётгани эса, халқаро майдонларда иқтидорли болаларимиз қозонаётган эътирофнинг иккинчи омилидир.

Учинчи омил эса, иқтидорли болаларимизда, ёшларимизда «Санъат сир-

**Истиқлол истеъдодлари**

сика мактабининг ўқувчиси Элмира Шукурова пианиночиларнинг халқаро Жарката (Индонезия) танловида иккинчи ўринга, В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицей-

изчил амалга оширилмоқда. Болалар мусиқа ва санъат мактаблари, олий ва ўрта махсус юртрадида иқтидорли ёшларнинг миллий аъналарни чуқур ўрганиши ва ўзлаштириши, шунингдек,

дошлари билан теппа-тенг бахшлаша бошладилар. Масалан, 2002 йили улардан 7 нафари дунёнинг турли бурчакларида ташкил этилган халқаро ижодий мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритган бўлса, ўтган йили маданиятимиз, миллий таълимимиз тарихига болалар мусиқа ва санъат мактаблари, академик лицейлар ўқувчиларининг йили бўлиб кирди. Чунки бир йилнинг ўзида 37 нафар ўзбекистонлик бўлажак санъаткор турли халқаро фестивал ва танловларнинг голиблари сифатида олқишланди. Улар орасида ҳатто Гран-прига сазовор бўлган истеъдодлар бор эди!

— Турли ижодий кўриктанловларда ҳайъат азъоси сифатида қатнашиб тураман, — дейди таҳрибали санъаткор, мохир кинорежиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Шухрат Аббосов. — Шу боис, аниқ биланманки, кейинги йилларда биронта қўшни мамлакатнинг ёш ижрочилари халқаро фестивал ва танловларда бир йилда шунчалик кўп муваффақиятга эришмаган. Биз мусиқага ва санъатга иқтидорли кучли фарзандларимиз билан ҳар қанча фарлансак арзийди. Мен бу жажжи, ёш шогирдларимнинг эртага ҳақиқий санъаткор бўлиб вожага етишларига, сафимизга қўшилишларига астойдил ишонман. Чунки улар давлатимизнинг, ҳукуматимизнинг буюк гамхўрлигига муяссар бўлган истиқлол истеъдодларидир!

Юсуф БЕРДИЕВ.

**Бир йилнинг ўзида 37 нафар ўзбекистонлик бўлажак санъаткор турли халқаро фестивал ва танловларнинг голиблари сифатида олқишланди**

ларини ўз вақтида астойдил ўрганиб, ўзлаштириб борсам, истеъдодимни намойиш этсам, албатта рағбатга, қўллаб-қувватловга муяссар бўламан, яъни халқаро фестивал ёки танловда ҳам бемалол қатнаша оламан» деган ишончининг борлиги, барқарорлиги ва қўлчилигидадир. Акс ҳолда Андижон шаҳридаги 3-болалар мусиқа мактабининг ўқувчиси Ширин Маматова воқал ижрочиларнинг аънавий Москва халқаро танловда биринчи ўринга, Тошкент шаҳридаги 26-болалар му-

нинг ўқувчиси Беҳзод Абдураимов эса Италиянинг Агрополь шаҳрида уюштирилган нуфузли «Ле музе» халқаро танловида Гран-прига муяссар бўла олганиди?! 1996 йилнинг декабрида Президентимизнинг «Республикада мусиқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртрали фаолиятини яхшилаш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинган эди. Ушбу ҳужжат ижроси йўлида ёш авлоднинг ватанпарварлик ҳамда истиқлол голярига садоқат руҳида тарбиялаш, бой миллий-маънавий меросимиз, ҳозирги замон ижодий ютуқларимиз, шунингдек, умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш, ўрганиши ва ўзлаштириш ишларини янада яхшилаш чоралари ишлаб чиқилиб,

**СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ (СПП) VINLAD**

Вид деятельности - проектирование, производство, внедрение, гарантийное и сервисное обслуживание комплексных систем безопасности для объекта любого масштаба, выбор, тестирование, поставка оборудования для разнообразных решений безопасности.

**Системы охраны периметров**  
**Навигационные системы**

**Охрана трубопроводов**  
**Безопасность перевозок**

**Контроль местонахождения транспортных средств**  
**Контроль расхода топлива**

ISO 9001: 2000  
Лицензия МВД РО «Охрана» № 103,  
лицензия МВД УПО № 29/2-2-97,  
лицензия КМ №000390 (проектирование).

**Российский линолеум**

Оптовые поставки *Verbal M.K.O*  
Офис: ул. Амра Темура - Эргашева, 1

**тел. 134-48-11**  
**факс 134-49-58**

Продажа в розницу  
Паркентский рынок  
Магазин 113  
тел. 185-48-11

**Муолажанинг янги усули**

Қандли диабет оғир асоратлар қолдирувчи ва даволаш жараёни қўйин кечадиган касалликлардан биридир. Айниқса, бундай дардга мубтало бўлганларда қон томирлар фаолиятининг бузилиши, бунинг оқибатида келиб чиқадиган оёқ йиринглаши кўп учрайди.

Яқинда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали шифокорлари ушбу касалликни лазер ёрдамида даволаш усулини ишлаб чиқиди. Унга кўра, айрим газларда лазер нури ҳамда углеонли лазер нурида даволаш усуллари йўлга қўйиш мумкин. Бахтиёр Божонов, Божон Куръязов ва Мухаббат Собироваларнинг мазкур кашфиёти шифо сифатини ошириш билан бирга даволашни вақтинчи ҳам қисқартириш имконини беради.

Анвар САМАДОВ.

**ГАЗ РУСУМЛИ РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ**

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕР**

**AVTODOM PLUS**

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари;
- 3-7 ўриндикли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 6-15 ўриндикли микроавтобуслар.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТҚАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли, автогидроқўтаргичлар, автоустационалар, бургулаш (бутовые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автовакуаторлар, газ баллонлари ташийдиган юк машиналари.

АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган; ёнгил ташийдиган; самосваллар.

**АВТОМОБИЛЛАР — КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА**

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

**КЛРТ ИМТИХОНИ ҲАКИДА ЭЪЛОН**

**Korean Language Proficiency Test**

Имтиҳон куни — 2006 йил 30 апрель.  
Хужжат қабул қилишнинг бошланиши — 2006 йил 1 март.  
Хужжат қабул қилишнинг охири куни — 2006 йил 31 март.  
Хужжат қабул қилиш жойи — Ўзбекистон, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Зулфия-хоним к., 3-уй, «FAN KLAPT» ўқув маркази.

Кўшимча маълумот олиш учун телефон: 41-45-80.

Корея Республикаси олий ўқув юртралида ўқиш ҳамда Кореяга ишга борувчилар учун.  
<http://www.klpt.com>

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси Қўмита азъоси Э. Ж. Юсуповга падари бузруквори **ЖУРА БОНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужжалик суди жамоаси Тошкент вилояти ҳужжалик суди раисининг ўринбосари Мирзояхмет Ниязметовага волидаи муҳтарамаси **РИСОЛА АЛИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонаси жамоаси хизмат кўрсатиш бўлимининг 1-тоифали кутубоначиси Улуғбек Турсуновга падари бузруквори **НОИБЖОН ОТАНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

Бош муҳаррир ўринбосари **Ш. ЖАББОРОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатта олинган. Буюртма Г — 557. 34883 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳолир Файзиев томонидан саҳифаланди.  
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.  
Т - Тижорат материали

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — И. Утбосаров. Навбатчи — Б. Гофуров. Мусахҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ҲАЯ куни — 21.10 Топширилди — 21.45 23456